

**РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма хуқуқида  
УДК 631.411.5.425

**Тўйчиёв Шухрат Шавкатович**

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КАСБИ ТУМАНИ ЎТЛОҚИ Аллювиал  
ТУПРОҚЛАР ВА УЛАРНИНГ СИФАТ БАҲОСИ.**

***5A 141001- Тупроқшунослик***

**Магистр**

Академик даражасини олш учун ёзилган

Диссертация

Илмий раҳбар: Биология  
фанлари номзоди, доц.  
М. Фахрутдинова

Тошкент-2014

## **МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ.....</b>
<b>I БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРХИ.....</b>
<b>II БОБ. ХУДУДИННИНГ ТАБИЙ-ТАРИХИЙ ШАРОИТЛАРИ.....</b>
2.1. Географик жойлашиши.....
2.2. Геологик, геоморфологиқ, литологик тузилиши ва рельефи.....
2.3. Гидрогоеологик шароити.....
2.4. Иқлими.....
2.5. Ўсимлик ва ҳайвонот олами.....
2.6. Инсон фаолияти.....
<b>III БОБ. ИЗЛANIШ ОБЪЕКТИ, ҚЎЛАНИЛГАН УСЛУБЛАР ВА ТУПРОҚ МОРФОЛОГИЯСИ ТАХЛИЛИ.....</b>
3.1. Изланиш обьекти ва қўлланилган услублар.....
3.2. Касби тумани “А. Навоий” массиви суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлари морфологияси.....
<b>IV БОБ. ОЛИНГАН МАЪЛУМОТЛАР ТАХЛИЛИ.....</b>
4.1. Тупроқ сифатини белгилашдаги умумий тартиб.....
4.2 Янгидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар.....
4.3 Янгидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларнинг морфологик белгилари.....
4.4 Янгидан ўзлаштирилган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар.....
4.5 Касби тумани А.Навоий массиви суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларининг сифат баҳолари.....
<b>ХУЛОСА.....</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....</b>

## **КИРИШ**

**Мавзунинг долзарбилиги.** Тупроқ унумдорлигини ошириш, тупроқларнинг сифат баҳосини ўрганиш қишлоқ хўжалигига энг мураккаб ҳисобланади. Маълумки тупроқ қопламининг барча хосса ва хусусиятларини чуқур ўрганиш билан биргаликда унинг сифат баҳосини ўрганиш хозирги куннинг энг долзарб масаласи ҳисобланди.

Ҳар бир тупроқ типининг ҳосил бўлиши антропоген омиллар таъсирида ўзгаришини ва ривожланиш жараёнларни ҳисобга олиб, ўзига хос тартиботлар мажмуаси ишлаб чиқиш зарур. Бу ўринда Қашқадарё худудида тарқалган тупроқларнинг агрокимёвий, агрофизикавий ва мелиоратив ҳолатини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Бунинг асосий сабаблари: биринчидан, мазкур тупроқлар табиатан ҳар-хил ва оғир механик таркибли тупроқлардир; иккинчидан бу тупроқлар тарқалган худудлар текис майдонлардан ташкил топган ва сизот (тупроқ) сувларининг четга оқиши учун имконият жуда кам; учинчидан – Қашқадарё қуий оқими тупроқлари нисбатан оғир механик таркибли бўлганлигидан айрим ҳолларда унинг ўзгариши (қат-қатлиги) паст сув ўтказувчанликка сабаб бўламоқда. Бундай тупроқлар Қашқадарёнинг қуий оқимида кенг тарқалган.

1970 йилдан бошлаб Қарши чўли тупроқларни оммавий ўзлаштирилиши Аму-Қарши магистрал сув каналининг ишга тушиши муносабати билан амалга оширилди. Бу тупроқлар вилоятда асосий сугориладиган ва яйлов сифатида фойдаланиб келинмоқда. Вилоятда тарқалган асосий тупроқларнинг сув-физик хоссалари, тўлиқ мелиоратив ҳолати айниқса сифат баҳоси етарлича ўрганилмаган. Шу нуқтаи назардан диссертация мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқотлар ўз навбатида илмий ва амалий аҳамиятга эгадир.

**Диссертациянинг мақсади ва вазифалари.** Хозирги вақтда Қашқадарё вилояти Каспи туманида кенг тарқалган ўтлоқи аллювиал

тупроқларнинг агрокимёвий, агрофизиковий ва бошқа хоссаларини атрофлича ўрганиш хамда уларни унумдорлигини ошириш ва сифат баҳосини бериш бўйича тавсиялар бериш диссертацияни асосий мақсади ҳисобланади.

Магистрлик диссертация ишни олдига қўйган мақсадини амалга ошириш учун қуидагиларни амалга ошириш лозим.

1. Худудда тўғри тупроқ кесмаларини тушириш ва морфогенетик тавсифлаш;
2. Тупроқларни агрокимёвий ва агрофизиковий хоссаларини аниқлаш;
3. Тупроқларнинг сифат баҳосини аниқлаш;
4. Олинган маълумотлар асосида ўрганилган ўтлоқи аллювиал тупроқларнинг агрокимёвий, агрофизиковий ва сифат баҳоси асосида илмий асосланган тавсиялар бериш;

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Қашқадарё вилояти тупроқлари бўйича ўтган асрнинг иккинчи яримидан М.И.Братчева, Г.И.Вайтлерт, Н.Т.Муравьевва, М.И.Каримова, Н.В.Кимберг, Д.Р.Исматов, А.Расулов, М.У.Умаров, Л.Турсунов, Ж.Икромов, С.Абдуллаев, Р.Қурвонтоев ва бошқа кўп олимлар томонидан кенг ўрганилган. 1970 йилда Қарши чўлида Амударё сувининг келиши муносабати билан кўпчилик тупроқлар оммавий равишда ўзлаштирилди. Бу ўз навбатида барча тупроқларнинг агрокимёвий, агрофизиковий ва мелиоратив хоссалари учун хос бўлган муҳим кўрсаткичларни ҳисобга олмаган ҳолда бажарилди ва бунинг натижасида суғориш муддати унча катта бўлмаган давр ичida тупроқ қоплами салбий томонга ўзгарди. Худудни сизот сувларининг кўтарилиши натижасида бу тупроқлар қайта шўрланишига олиб келди. 2000 йилдан бошлаб худудда тупроқларни хосса а хусусиятлари ўрганиш бўйича катта изланишлар олиб борилди. Узоқ йиллар давомида олиб борилган изланишлар асосида 2008 йилда проф.Л.Турсунов раҳбарлигида “Қашқадарё

ҳавзаси худуди тупроқлари” номли асари чоп этилди. Китобда Қашқадарё воҳасида тупроқларнинг сифат баҳоси кам ёритилган.

**Тадқиқот олиб борилган жой ва кўлланилган услублар.** Суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларнинг агрокимёвий, агрофизикавий ва мелиоратив ҳолатини ўрганиш 2012-2013 йилларда Қашқадарё вилоятининг Касби туманида (А.Навоий массив фермер хўжалик экин майдонларида) амалга оширилди. Бунинг учун турли фермер хўжалик экин майдонларига геокимёвий тупроқ кесмалари туширилди ва шу билан биргаликда бу худудлар тарихи бўйича маълумотлар тўпланди. Тадқиқот ишлари дала ва лаборатория шароитида оммабоп усуллар ёрдамида олиб борилди. Аналитик тупроқ текширув ишлари умумий қабул қилинган Пахтачилик илмий тадқиқот институти ЎзПИТИ (1963), Е.А.Аренушкина (1970), А.Ф. Вадюнина ва З.А. Корчагина (1993), Л.Турсунов (1988) усуллари ёрдамида олиб борилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Вилоятда тарқалган ўтлоқи аллювиал тупроқларнинг агрокимёвий, агрофизикавий хоссалари асосида сифат баҳосини бериш катта аҳамиятга эга бўлган маълумотлар олинди ва тўпланган маълумотлар асосида мазкур тупроқларнинг унумдорлигини ижобий томонга бошқариш имкониятини беради.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти.** Тупроқларнинг агрокимёвий, агрофизикавий ва сифат баҳоси тўғрисидаги олинган илмий асосланган маълумотлар тупроқларда бевосита сифатий баҳолаш имконини беради.

#### **Диссертация материалларини мухокамаси:**

1. Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти (ЎзПИТИ) “Ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларни парваришлаш агротехнологияларини такоминлаштириш” мавзусидаги Республика илмий-амаллий анжумани маърузалари асосидаги мақолалар тўпламида “Ўтлоқи тақирсимон тупроқларнинг агрокимёвий хоссалари ва уларни яхшилаш йўллари” номли мақола чоп этилди.

2. Ўзбекистон тупроқ ресурслари ҳолати, мухофазаси ва улардан самарали фойдаланиш истиқболлари мавзусидаги илмий мақолалар тўпламида “Ўтлоқи аллювиал тупроқларнинг умумий физик хоссалари.” номли мақоламиз инглиз ва ўзбек тилларида чоп этилди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Кириш, тўртта боб, хуроса, тавсия, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб 8 та расим ва 9 та жадвал келтирилган. Диссертациянинг умумий ҳажми //// бетдан иборат.

## I БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРХИ

Ўрта Осиё тупроқларини биринчи бўлиб ўрганган муаллифлар жумласига Л.И.Прасолов., С.С.Неуструев., Н.А.Димо., К.Д.Глинка ва бошқаларни киритиш мумкин. Қашқадарё воҳаси тупроқларини ўрганиш катта тарихга эга бўлишига қарамасдан бизгача ҳозирги кунда кам маълумотлар сақланиб қолган. Буни сақланиб қолган айrim адабиётларда XIII-XIV асрда Темурийлар сулоласи даврида Шахрисабз ва Китобда энг гўзал мевали боғлар мавжуд бўлгани, дехқончилик маданияти жуда юқори бўлган воҳа эканлиги тўғрисида маълумотларни мисол қилиш мумкин.

Яна бу борада Захириддин Мухаммад Бобурнинг “Бобурнома” китобида Қарши атрофида ажойиб чиройли боғлар бор эканлиги тўғрисида маълумотлар бор. Шундай чиройли худудга тавсиф берадики, хар бир қишлоқнинг ўртасида ариқ ўтиб, атрофида мевали ва манзарали дараҳтлар ўсганлиги, бир неча чирой бериб турувчи ховузлар бўлганлиги тўғрисида маълумотлар берилган. Қашқадарё вилояти маркази қадимда Насаф, ҳозирги кунда Қарши деб юритилувчи шаҳар, бўлиб Буюк ипак йўлининг асосий қисмида жойлашган. Қашқадарё вилояти худуди орқали ўтмишда Афғонистон ва Ҳиндистон мамлакатларини Оврупа мамлакатлари билан боғловчи ягона савдо йўли ўтганлиги тўғрисида маълумотлар хам топилган. Худди шундай бундан ташқари хам Қарши воҳалари тўғрисида қизиқарли маълумотлар бўлиши керак, лекин улар айrim қисмигина сақланиб қолган. Бу худуд бўйича кўпроқ ўтган асрнинг бошларидағи маълумотлардан фойдаланиш имкониятлари кенгроқдир.

Биринчи бу борадаги тадқиқотлар Қашқадарё бассейнининг шимоли ғарбий қисмида жойлашган Карноб чўл текислиги тўғрисидаги географик характерга эга бўлган маълумотлар олинган. А.П.Ливанов томонидан олиб борилган тадқиқотларда Қарши ва Шахрисабз воҳаларининг суғориладиган ва қўриқ тупроқлари кенгроқ режа асосида ўрганилиб тупроқ харитаси

тузилди ва уни 1929 йилда чоп этилди. Тупроқ типлари, типчалари ва турлари унумдорлик жиҳатдан баҳолаб берилган.

XX асрнинг 10-20 йилларида Россия дехқончилик департаметнининг ер тузиш ва фойдаланиш бўйича Бошқармасининг ташкил бўлиши сабали Ўзбекистон ҳудуди тупроқларини ўрганишда янги давр бошланди. Бу даврда олинган барча маълумотлар “Ердан фойдаланиш”, “Россиянинг Осиё колонияларидаги тупроқ экспедицияси материалларида”, “Ерларни тузатиш бўлимининг йиллик ҳисоботлари” каби тўпламларида чоп қилинади. Ўша даврда бажарилган айрим тадқиқотларга тўхталиб ўтадиган бўлсак, С.С.Неуструев 1912 йилда Андижон, 1913 йилда Наманган, 1914 йилда Скobelев ва Ош, Фарғона водийсининг Кўқон, Самарқанд вилоятининг Ходжент уездидаги ҳамда шу йиллар давомида жанубий Туркистон тоғизимишининг тупроқ қопламини таҳлил қилди. Текисликларда ва тоғли ўлкаларда олиб борилган кенг қамровли тадқиқотлар натижасида С.С.Неуструев тупроқларнинг горизонтал ва верикал тарқалишида ўзига хос қонуниятлар мавжудлигини кўрсатиб берди. Муаллиф томонидан олиб борилган тадқиқот ишлари унинг 208 га яқин чоп қилинган илмий асарларида Ўзбекистонда олиб борилган тадқиқотлар аксини топган. С.С.Неуструев 1926 йилда чоп қилган “Тупроқ ҳосил бўлиш жараёнларини га мутаносиб таснифлаш тажрибаси” (“Опыт классификации почвообразовательных процессов в связи с генезисом почв”) номли монографиясида бўз тупроқларни ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотларга нуқта қўяди.

С.С.Неуструев В.Б.Никитин билан ҳаммуалифликда 1926 йилда ёзган “Туркистоннинг пахта экиладиган районлари тупроқлари” (“Почвы хлопковых районов Туркестана”) номли монографиясида эса пахта экиш билан банд бўлган ҳудуд тупроқларини таҳлил қилган.

Н.А.Димо 1910 йилда Мирзачўл даштини ирригацион қурилиш обьекти сифатида, ҳудудда сугориш таъсирида сизот сувлари сатҳи ва

минерализациясининг ўзгаришини, 1913-1914 йилларда Бухоро ва Нурота хонлигига тегишли ҳудудлар тупроқларини ва 1915 йилда эса Амударё қуи оқими ҳудуди тупроқларининг шаклланишидаги хусусий қонуниятлар, уларнинг сув-туз тартиботлари таҳлил қилган.

А.П.Ливанов (1929) Шахрисабз воҳаси ҳамда Қарши ҳудудидаги қўриқ ва сугориладиган майдонларида изланиш олиб бориб, олиб борилган изланишлар натижасида тупроқ ҳаритасини тузди. Тупроқ типлари ва типчалари ҳамда турлари унумдорлик жихатдан баҳоланганд. Муаллиф томонидан ҳудди шунга ўхшаш тадқиқотларни Жом чўли ва Кўк далағаллачилик хўжаликларида ҳам олиб борилган.

1934-1936 йиллар давомида Ўзбекистон ҳукумати буюртмасига кўра 1,5 млн. гектар сугориладиган ерларнинг ҳолатини, минерал ўғитлар самараадорлигини ошириш масалаларини, ерларнинг ишлаб чиқариш қобилияtlарини янада қўтариш масалаларини ҳал қилиш мақсадида тупроқ-агрокимёвий-мелиоратив тадқиқотлар олиб борилди ва бу асосида тупроқ-агрокимёвий ҳариталар тузилди.

1950 йиллардан бошлаб Ўзбекистон ҳудуди тупроқ қопламини, унинг ресурсларини ўрганишнинг янги даври бошланди. Юқорида кўрсатилганлардан ташқари Н.Т.Муравъёва (1959), М.У.Умаров (1974), М.У.Каримова (1966), А.М.Расулов (1974), Л.Турсунов (2008) ва бошқалар Қашқадарё вилояти тупроқлари устида жуда кенг қамровли ишланишлар олиб боришган.

Н.В.Кимберг, М.И.Кочубей, С.П.Сучков, В.Р.Шредер, В.Б.Гуссаклар томонидан 1959 йилда “Ўзбекистон жамоа ва давлат хўжаликлири йирик миқёсдаги тупроқ ҳариталарини тузиш бўйича йўриқнома” ишлаб чиқилди. Тузилган бу тупроқ ҳариталарида уларнинг қайси генетик типга мансублиги, сугориш муддати, маданийлашганлик, эрозияга учраганлик,

тошлилик, шўрланиш, гипсланиш даражалари, механик таркиби, мелкоземли қатlam қалинлиги ва бошқалар ўз ифодасини топиши лозим. Бу иш олдинги тадқиқотларда ҳисобга олинмаганлигини алоҳида кўрсатиш лозим.

А.Т. Муравьев (1959) Қашқадарё вилоятини тупроқларни ўрганиб, олинган маълумотлар асосида 5 та агротупроқ районларига ажратди. Бу Китоб-Шахрисабз ботиги тупроқларини мукаммал тафсилотини берган асосий изланиш ҳисобланади.

Н.В.Кимберг (1974) ўз илмий ишларида, хар бир тупроқ типи (кўриқ ва сугориладиган оч тусли бўз тупроқлар, сур тусли қўнғир, қумли чўл, тақир ва тақирли тупроқлар) кесмаси морфологияси бўйича, Қарши чўли тупроқ қопламига тўла тавсиф берди. Шу билан бирга амалга ошириладиган мелиоратив тадбирларга асосланиб, Қарши чўли тупроқларини бешта тоифага бўлиб берди.

1. Китоб-Шахрисабз гидроморф тупроқлари
2. Китоб-Қамаши типик, қадимдан сугориладиган бўз тупроқлари
3. Кўқдала типик бўз тупроқлари
4. Қарши-Ғузор оч тусли бўз тупроқлари
5. Қуйи Қашқадарё тупроқлари

Бир гурух тупроқшунос олимлар- А.З.Генусов, Б.В.Горбунов, М.И.Кочубей, С.П. Сучков, М.Хошимжоновалар “Ўзбекистон жамоа ва давлат хўжалик сугориладиган ерларининг бонитет балларини аниқлаш ва уларни иқтисодий баҳолаш учун услубий кўрсатмалар”ни (1967) чоп этишди. Асосан Андижон, Фарғона, Наманган, Хоразм вилоятларини 540 хўжалигида изланишлар олиб борилди.

1964 йилдан эътиборан тупроқ унумдорлигини ошириш, ҳамда дехқончилик маданиятини кўтариш, шўрланган ерларни мелиоратив холатини яхшилаш учун коллектор-зовурлар тизимини вужудга келтириш соҳасида ишлар жадаллашди. Бу ўринда М.Умаров (1974), А.М.Расулов (1976) йилда Қарши чўли тупроқларини кенг миқёсида ўрганилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

М.У.Каримова (1968) эса Қарши чўлининг сур тусли қўнғир ва қумли чўл тупроқлари калийдан бошқа барча озиқ элементларига камбағал эканлигини аниқланди. Қарши чўлида автоморф тупроқлардан ташқарии, бўз тупроқлар минтақаси ва чўл зонасининг анча йирик қисмида гидроморф тупроқ майдонлари ҳам ривожланган. 1967-1974 йиллар давомида 5 млн. гектар учун (1:25000), яйлов ерлар учун 1:100000 масштабдаги тупроқ хариталарини тузилди.

М.У.Умаров (1974) ўзининг «Ўзбекистоннинг келгусида ва янги суғориладиган районлари тупроқларнинг физик хоссалари» номли ишида Қарши чўли тупроқларининг энг муҳим физик хоссаларини тўлиқ тафсифланди яъни тупроқ физик хоссаларининг тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалик экинлари хосилдорлигига таъсирини, аҳамиятини кўрсатиб берди. Айниқса суғоришнинг тупроқнинг физик хоссаларига таъсирини, унга доир тасияларни ишлаб чиқди.

А.М.Расулов (1976) Қарши чўли худудида тупроқ ҳосил бўлиши жараёнларини таҳлил қилиш билан бир вақтда шўрланишни келиб чиқиши, айниқса геокимёсини чуқур талқин қилди. Муаллиф табиий чўл шароитида тупроқнинг шўрланиш қонуниятлари, тупроқ морфолитогнетик қонуниятлари, тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича, шўрланишнинг олдини олиш ва унга қарши кураш чоралари каби масалаларни илмий асосда ечимини топди десак муболаға бўлмайди. Муаллиф бу тўғрисида 1976 йилда чоп этган “Почвы Каршинской степ, пути их освоения” номли

монографиясида батафсил илмий асослаб берди ва шу билан бирга Китоб – Шаҳрисабз ҳудуди тупроқлариға ҳам умумий тавсиф берди.

Тупроқ хоссалаларининг ҳар томонлама ўрганилди. Бунга яққол мисол Э.Г.Вухрер, М.У. Абдужалолова ва бошқалар (1977), тупроқнинг биоллогик фаоллиги тўғрисида ҳам изланишларини олиб боришган. Уларнинг таъкидлашича тупроқ микроорганизмлар сони бўз тупроқлар минтиқасида, чўл тупроқлари минтақасига нисбатан қўп бўлиб, микроорганизмлар сони оч тусли бўз тупроқларидан тўқ тусли бўз тупроқлар томон, чўл минтақасида эса- кумли сахро тупроқларидан тақирли тупроқлар томон қўпайиб боришини илмий асослаб берганлар. Суғориш жараёни микрофлора ҳамда органик қолдиқларни тўпланишида сахро тупроқларида бўз тупроқларга нисбатан жадалроқ кетишини, бироқ, муаллифларнинг кўрсатишича, азотнинг биологик фаоллиги, гумусни бузилиш энергияси ва тупроқ азотининг сарфланиш фаоллиги бўз тупроқларда чўл тупроқлариға нисбатан анча юқори кечади деб ҳисоблайдилар. Муаллифларнинг кўрсатишича, Қарши чўли тупроқларида, уларнинг қайси генетик типга мансублигидан қатъий назар таркибида фульвокислоталар, уларнинг таркибидаги гурухлар орасида -1 ва 3 гурух устунлигини айниқса лойли минераллар билан бириккан қисмини кўрсатади бу чўл тупроқлари учун хос хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳудуди тупроқлари географияси, морфогенетик хусусиятлари тупроқ ҳосил бўлишидаги маҳаллий хусусиятлар асосий тупроқ типларини кимёвий, физикавий, иссиқлик хоссалари, мелиоратив ҳолатларини М.А.Орлов, М.А. Панков, Б.В.Горбунов, А.З.Генусов, Н.В.Кимберг, С.Н.Рижов, В.Б. Гуссак, М.У.Умаров, Л.Т.Турсунов, О. Комилов, Д. Исматов, Р.Қўзиев, А. Эргашев, И. Турапов, С.Абдуллаев, Р. Қурвонтоев ва бошқалар илмий изланишлар орқали ифода этган.

Қашқадарё ҳавзасида мавжуд тоғ тупроқлари, бўз тупроқлар ҳамда чўл тупроқларининг кимёвий, айниқса минераологик таркибини ўрганишда Д.Р.Исматов ва унинг шогирдларини таъкидлаш лозим. Уларнинг асосий изланишлари Қарши чўли тупроқларини ўрганишга бағишлиган бўлиб, тупроқларнинг минералогик ва кимёвий таркибилари, физик хоссалари, уларнинг ҳосил бўлиш тезлиги ва геокимёси тўғрисида энг янги маълумотлар берилган. Д.Р.Исматов (1989) йилда чоп этган “Минерологический состав и физикохимические свойства почв Южного Узбекистана” номли монографиясида олиб борилган кўп йиллик тадқиқот маълумотларини келтиради. Бу асарда муаллиф Қашқадарё ҳавзасида мавжуд барча тупроқ типларини, жумладан тоғ тупроқларини, бўз тупроқлар ва чўл тупроқларини минералогик таркибларини ўрганган. Маълумотларнинг катта назарий аҳамиятга мойил бўлиб, тупроқ тарқибидаги, асосий минераллар, уларнинг шаклланиши жараёни, табакаланиши, ҳаракати, тупроқ минералларининг геокимёси тўғрисида аниқ далилий маълумотларни олиш мумкин.

Ўзбекистон мустақилликка эришган даврдан бошлаб тупроқ қопламини ўрганиш, ундан самарали фойдаланиш, унумдорлигини ошириш ва ҳимоялаш бўйича катта тадқиқот ишлари олиб борилди.

- Ердан фойдаланишда фермерлик хўжаликлари шакли ташкил қилинди.
- Ерга эгалик шакли ўзгариши билан дехқончилик тизимида ҳам янги технологиялар кириб кела бошлади.
- Экин ерлари узоқ муддатларга фермерлар ихтиёрига берилиши муносабати билан унинг унумдорлигини сақлашда изчил, янги ресурс тежамкор технологияларни қўллашга интилишлар вужудга келди.

Ўзбекистон хукуматининг ташаббуси билан:

- 1998 йил 30 апрелда “Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси”ни
- 1998 йил 28 августда “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонун
- 1998 йил 24 июля “Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида” Президент Фармони ва бошқа умумдавлат аҳамиятига эга бўлган қонун-хужжатларнинг қабул қилиниши тупроқ қопламини саклаш ва уни сифатини оширишдаги ғамхўрлик ҳисобланади.

Ўзбекистон Миллий университети тупроқшунослик кафедраси профессор ўқитувчилари томонидан 1975 йилдан бошлаб то хозирги кунгача бу ўлка тупроқларини ўрганиш бўйича тадқиқот ишлари проф. Л.Турсунов раҳбарлигига олиб борилди. 1977-1979 йиллар давомида Косон тумани хўжаликларини М. 1:10000 миқёсдаги тупроқ хариталари тузилди ва ишлаб чиқаришга топширилди. 1999-2000 йиллар давомида Китоб ва Шаҳрисабз туманлари сугориладиган ва лалми ерларнинг тупроқ харитаси (М. 1:10000) қайта таҳлил қилинди ва тупроқларнинг бонитет баллари аниқланди. 1995-2000 йиллар давомида алоҳида дастур асосида С.Юсупов “Китоб – Шаҳрисабз ботифи тупроқлари генезиси, географияси, эволюцияси ва хоссалари” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади.

2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасини Тупроқшунослик ва агрокимё институти ва “Ўздаверлойиҳа” институтининг “Ер кадастри” шўъба корхонаси томонидан “Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ карталарини тузиш бўйича йўриқнома”. “Ўзбекистон Республикаси сугориладиган тупроқларининг бонитировкалаш бўйича услубий кўрсатма” ишлаб чиқилди.

Л.турсунов (2008) Қашқадарё вилоятида сугориладиган ерларнинг сифат бўйича классларга тақсимлаш ва кадастр баҳолаш тўғрисида маълумотлар берилган. Ерни сифат бўйича классларга ажратиш ва кадастр

зоналарига бўлиш ишлари 444038 га майдонда бажарилган бўлиб, 226 та қишлоқ хўжалик корхоналарини ўз ичига олиган.

Ўзбекистон Республикасида ерлардан фойдаланиш бўйича ислоҳатларни муваффақиятли амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси” ва Ўзбекистон Республикаси “Далат ер кадастри тўғрисида” ги қонуни қабул қилинган бўлиб, уларда ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ерларининг ишлаб чиқариш қобиляти ва тупроқ унумдорлигини ошириш ва қайта тиклашдаги манфаатдорлигини таъминлаш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва бошқалар илмий асослари қайд этилган.

Ўзбекистон Миллий Университети охирги 10 йил ичидаги Қашқадарё вилояти тупроқларини хар томонлама ўрганиш борасида жуда катта ишларни амалга ошириди. 2006 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Фан ва технологиялар марказининг А-7-069, А-7-381, ОТ-Ф4-055 сонли давлат грантлари дастури доирасида тадқиқот ишлари олиб борилди. Узок йиллар давомида олиб борилган тадқиқот натижаларини умулаштириб Л. Турсунов, Р. Бобоноров, А. Вакилов, С. Юсуповлар “Қашқадарё ҳавзаси худуди тупроқлари” (2008) номли монография чоп қилинди. Ушбу монографияда Қашқадарё воҳасида учрайдиган асосий тупроқ типларининг тарқалиши, генезиси суғориш натижасида тупроқ қопламида рўй берадиган эволюцион генетик ўзгаришлар қишлоқ хўжалигига фойдаланиладиган ерларнинг ҳозирги унумдорлик, агрокимёвий агрофизикавий, мелиоратив-экологик баҳоланади. Бироқ монографияда воҳанинг тупроқ ва ер ресурслари жуда тўлалигича кўриб чиқилмаган.

Юқорида баён қилинган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда ҳусусан Қашқадарё воҳасида тупроқ ва ер ресурсларини ҳолатини аниқ кўрсатиб берувчи тадқиқотлар айниқса, тупроқ сифатини

белгиловчи омиллар тұғырысидаги тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган. Ушбу магистрлик дессертация ишида Қашқадарё воҳасида олиб борилган барча тадқиқотларни чуқур таҳлил қилиш асосида ҳамда айрим тупроқлар унумдорлигини тиклашга қаратилган дала тажриба натижаларини асос қилиб олиш билан воҳанинг тупроқ ва ер ресурслари баҳоланади ҳамда суғориладиган, суғоришга режалаштирилган ерларнинг унумдорлигини янада ошириш йўллари А.Навоий массиви тупроқлари мисолида кўрсатиб берилади. Олинган маълумотлар ўз навбатида суғорилиб дехқончилик қилиниб келинаётган асосий тупроқларини унумдорлигини ошириш, сақлаш тупроқ сифат боҳосини ошириш йўлларини очиб беради деб таъкидлаш мумкин.

## **II БОБ. ХУДУДНИНГ ТАБИЙ-ТАРИХИЙ ШАРОИТЛАРИ**

### **2.1. Географик жойланиши**

Қашқадарё вилояти Ўзбекистоннинг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, шимолдан, Самарқанд, шимоли-ғарбдан Бухоро, жануби-шарқдан Сурхондарё, жануби – ғарбдан Туркманистон, шимоли-шарқдан Тожикистон республикаси билан чегарадош. Вилоятнинг умумий майдони 28,4 минг км<sup>2</sup> (Л.Турсунов 2008) ташкил қиласди. Қарши чўли Қашқадарё воҳасининг текислик қисми тоғ адиrlарининг ғарбий қисмидан тўғри чизиқли полоса бўйлаб иккита минтақага бўлинади, биринчиси Саҳро-чўлга ва унга хос тупроқлар тарқалган, иккинчи қисмига саҳро тупроқларидан ташқари оч тусли бўз тупроқлар минтақасига бўлинади. Оч тусли бўз тупроқларни шарқий қисми Қарши шаҳридан бошланиб, Ғузор туманигача боради. Л.Н.Бабушкин (1959) бутун Қашқадарё вилоятининг учта агроклиматик районга бўлади. Шимолий қисмida Китоб шахрисабз текислиги. жанубида Нишон чўли томони, шимолий ғарбида Қарши чўли шимолий шарқ ва жанубий шарқдан чўлларни Зарафшон ҳамда Хисор тизмалари тармоқлари ўраб туради.

Л.З.Генусов, В.В. Горбунов ва Н.В.Кимберг (1960) оч тусли бўз тупроқлар Қарши ва Косон туманларининг шарқий административ худудларда тарқалганлигини ва улар асосан Қашқадарёнинг юқори лёссли минтақаларида дengiz сатҳидан 300 - 400 метр баланлиқда ҳосил бўлганлигини исботлаб беришган. Бу қўриниш бугунги кунда ҳам сақланган бироқ бу ерлар оч тусли бўз тупроқлар уларга қўшимча тақирили тупроқлар ҳам суғориш натижасида ўзгариб ўтлоқлашган, шўрланган тупроқларга айланиб бораётганлиги хусусида маъулумотлар мавжуд.

## **2.2. Геологик, геоморфологик, литологик тузилиши ва рельефи**

Қашқадарё ҳавзаси жойнинг рельефи, геоморфологик тузилиши ва тупроқ қопламининг жойлашиши бўйича мураккаб геологик тузилишга эга. Воҳанинг текислик қисми асосан чўкинди жинсларнинг ҳосил бўлиши, яъни тектоник харакатлар натижасида жуда хилма-хил жинсларнинг тўпланишига сабабчи бўлган. Рельефнинг баланд-пастлик жойларининг шаклланиши тектоник жараёнларнинг аниқ содир бўлганлигини билдиради. Вилоятнинг шимоли - шарқ ва жануби-шарқ Зарафшон ва Ҳисор тизмаларида отқинди ва метоморфик-отқинди жинслар ётади. Вилоятнинг жануби-шарқий қисмидаги Ҳисор тоғ тизмаларининг жануби-ғарб қияликлари бутунлай мезазой ва учламчи давр ётқизиқлари билан қопланган. Вилоятнинг текислик қисми эса, асосан тўртламчи давр ётқизиқлари билан қопланган. Бу ётқизиқлар асосан бўр ва учламчи давр ётқизиқлари устида ривожланган.

Зарафшон Ҳисор баланд тоғлари жуда қирралиги, қоялиги, ўр-қирлиги ва тошларнинг яққол чиқиб туриши билан ажralиб туради.

Ўрта тоғлар 2 та гурӯҳга бўлинади, жуда кучли ўр-қирли чуқур тоғ сойлари мавжудлиги нуралган ётқизиқларнинг деярлик бўлмаслиги, асосан очик қояларнинг мавжудлиги билан ажralиб туради, иккинчи гурӯҳ эсабироз яssi қиялик, супасимон эловий ва делювий ётқизиқлари билан қопланган бўлиб, литологик нуқтаи назардан дағал, қиррали тақир тошли скелетлардан ташкил топгандир.

Тоғ олди районлар тўлқинсимон, асосан лёсс ва лёссимон ётқизиқлардан ташкил топган бўлиб, Н.Т.Муравьев (1959) қўрсатишича Қашқадарё ҳавзаси шарқдан ғарбга томон нишабли бўлиб, 3 та йирик физик-географик районни ўз ичига олади: буларга – 1) турон пасттекислигининг жануби-шарқ қисми; 2) бу текисликни шарқ томондан ўраб олган тоғ этаклари ва Зарафшон ҳамда

Ҳисор тизма тоғларининг тоғолди нишабликлари ва Китоб- Шахрисабз ботифи; 3)шу иккала тизма тоғлари ўртасида жойлашган майдонлар.

Китоб-Шахрисабз ботифи аккумлятив текисликдан иборат бўлиб, бу текислик ботигни ўраб турган тоғ тизимларидан оқиб тушаётган дарёларнинг ёйилмаларидан йиғилган тўртламчи давр келтирилмаларидан, тоғолди нишабликларидан лёссимон жинслардан ва Қашқадарё ҳамда унинг ирмоқларининг аллювиал ётқизиқларидан таркиб топган.

### **2.3. Гидрогеологик шароити**

Қашқадарё ҳавзаси гидрогеологияси ҳудуднинг геологиясига, иқлимига, геоморфологик тузилишга, ётқизиқларнинг литологик тузилишларига ва инсонларнинг дехқончилик фаолиятига боғлиқ ҳолда ўзгариб боради. Худуд гидрогеологик шароитини мураккаблиги тез-тез қайтарилиб турадиган тектоник жараёнлар, кўп сонли сув омборларнинг, катта кичик сойларнинг мавжудлиги билан боғлиқ бўлади.

Тоғли ҳудудда ер ости сувларининг мавжудлиги фақатгина тектоник сурилмалар мавжуд бўлган чуқур қатламларда бўлиши мумкин, ёки чуқурликда қатламлар туташган ботиқликдаги сув ўтказмайдиган линзалар вужудга келтирган булоқ сувлари учраши мумкин. Бундай булоқлар Қашқадарё, Танхоз дарё, Оқдарёнинг юқориги оқимларида кўп учраб туради. Китоб-Шахрисабз ботифида сизот сувларини жойланиш чуқурлиги катта оралиқда 1,5-8 метр чуқурликда учрайди.

А.М.Расулов (1976) кўсатишича, Яккабог станциясидан Қарши шаҳри оралиғи Қашқадарёнинг чап қирғоғи ҳудудида сизот сувлари 10-20 метр чуқурликда (лалмикор ва суғорилмайдиган ҳудудларда), суғориладиган майдонларда 2-5 метр, айрим ҳолларда, жумладан суғориладиган марказий қисмларида сизот сувлари сатҳи 0,5-0,2 метр ўртасида, (баъзан сизот сувлари ер устига ҳам чиқади) тебраниб туради. Сизот сувларининг бундай умумий

оқими Қарши чўлининг текислик қисмида ўз оқимини кескин камайтириб туриб қолган сизот сувларига айланиши мумкин.

Сизот сувларининг шўрланганлиги уларнинг жойланиш чуқурлигига, оқиш (ҳаракатланиш) тезлигига ва сув тўпланган қатламнинг кимёвий таркибиға боғлиқ бўлиб, паст даражада шўрланган сизот сувлари Китоб-Шаҳрисабз ботифини тоғли қисмига хос бўлади. Қашқадарё қуйи оқимида жойлашган қадимдан сугориладиган майдонларда сизот сувлари 1,5-2,0 метр жойлашган бўлиб, уларнинг шўрланш даражаси (1-2.0 г/л) атрофида тебраниб туради. Бироқ сизот сувларининг тупроқ юзасига узок муддатларда яқин туриши ботқоқланиш хавфини ҳам туғдириши мумкин.

Ер ости сувларининг минераллашиш таркиби оқим бўйлаб қуйи қисмга томон ўзгариб боради. Қуйи қатламнинг минтақаларининг ўрта қисмидаги шлейфларда ер ости сувларининг минераллашиш даражаси кучсиз тарзда ортади (3-5 г/л), бунда шўрланиш хусусияти сульфатли хусусиятга эга бўлиб, таркиби хлоридлар ва хлоридли-сульфатлар тип шўрланишга эга.

Лёссли минтақаларнинг четки қисмида ривожланган сугориш жараёнлари дастлабки рельефни бузганлигини кўриш мумкин, бунда рельеф агроирригацион чўкиндилари йиғилиши, натижада, ўзига хос ирригацион рельеф юзага келиши билан тавсифланади, бу рельеф умумий тарзда ёпиқ тарздаги товасимон кўтаришма ва пасайишлардан ташкил топган. Бу худудларда ер ости сувларининг қучли минераллашиши кузатилиб, унинг таркиби хлоридли-сульфатли хусусиятга эга ва жойлашиш чуқурлиги 3-5 метрни ташкил қиласи.

Қашқадарё сув оқимининг маҳаллий ер майдонларида ер ости сувлари таркибини чучуклаштирувчи таъсири остида ва шунингдек сугориш, ирригацион сув тармоқлари таъсирида ер ости сувлари одатда чучук ёки

жуда кучсиз тарзда минераллашган таркибга эга бўлиб, таркиби гидрокарбонатли-сульфатли хусусиятга эга эканлиги билан ажралиб туради.

Ўйдим-чукур, пушталар ҳудуди қумоқ ва қумли таркибли эол аккумулятив таркибга эга бўлиб, кўпинча таркибида унча кўп бўлмаган миқдорда оғир, ўртacha ва енгил лойли қатлам кузатилади.

Хулоса қилиб, шуни кўрсатиш мумкинки, Қашқадарё ҳавзаси ҳудудида сизот сувлари сатҳи мавсумий характерга эга: вегетация экинларни суғориш даврида (июнь-август) уларнинг сатҳи кўтарилади, суғориш тўхтатилса-улар сатҳи тушади. Уларнинг шўрланиши ҳам шу қонуният бўйича-ўсиш даврида тугаши билан бироз ортади. Сизот сувлари тупроқ ҳосил бўлиш жараёнида муҳим ўрин тутади.

## 2.4. Иқлими

Қашқадарё ҳавзаси иқлими континентал қуруқ субропик иқлимининг бутун хусусиятларини ўзида акс эттириши тўғрисида (2008) Л.Турсуновни маълумотларидан аниқ маълумотлар берилади. Турон пасттекислигининг шимолий қисми бўлган Ўрта Осиё ҳудудида континентал қуруқ субропик иқлим қўйидаги белигиларга эга: қиши фаслида ҳам вегетацияни давом этиши; ёз фаслида очик (булутсиз) кунларнинг усутнлиги ва ўрта ҳароратнинг  $30^{\circ}\text{C}$  атрофида тебраниши; кун ва тун ҳамда суткалик тартиботида катта ҳароратлар фарқи; атомосфера ёғин-сочинларнинг қишибаҳор фаслида устунлиги, ёз фаслида ёғингарчиликни бўлмаслиги; ўсимлик ҳайвонот дунёси ва тупроқ ҳосил бўлиш жараёнига актив таъсир этувчи-нам ва илиқ баҳор ва жуда қуруқ ёз фасли кузатиш мумкин.

Л.Н.Бабушкин (1956) Ўрта Осиё иқлимини уни атрофидаги шимолий иқлим минтақалари билан солиштириб “Ўрта Осиё иқлими субропик минтақанинг мослашган энг шимолий қисми” деб таъкидлайди. Ўрта Осиё иқлимининг қуруқ субропик хусусиятга эга эканлигини кейинги олиб

борилган тадқиқотлар натижалари тасдиқлайди. Қашқадарё ҳавзаси иқлимини тавсифлаш учун Қашқадарё ҳавзаси худудларида жойлашган метеостанция ва метео постлардан олинган маълумотларни келтирамиз.\_Бу метеостанциялардан Ғузор, Қамаши, Қарши, Косон, Китоб-шарқий тоғолди; Омонқўтон ва Кульсой-тоғли ва унинг юқори қисми иқлимини тавсифлайди.

Ўзбекистонинг асосий иқлим хусусиятларидан ташқари, Қашқадарё ҳавзаси иқлими республиканинг шимолий ҳудудларидан ўзининг бир қанча хусусий белгилари билан ажралиб туради.

Хусусий белигларни вужудга келишида энг олдин Қашқадарё худудининг жанубда жойлашганлиги шу муносабат билан атмосфера ҳароратининг бирмунча баландлиги ҳисобланади. Дарҳақиқат, Қашқадарё ҳавзаси ғарбдан жойлашган чўл, шарқда жойлашган тоғли ўлка иқлим жараёнларнинг ўзаро муносабати натижасида вужудга келган ўзига хос температура тартиб, амосфера ёғинларининг тақсимланиши, ўзига хос шамол тартибининг вужудга келиши ҳисобланади.

Абсолют баландликнинг текисликдан тоғ томон ортиб бориши натижасида ҳаво ҳарорати пасаяди, ёғин-сочин миқдори ортиб боради.

Ёғин миқдорининг камлиги, юқори ҳаво ҳарорати ва қўп миқдорда қуёш, энергияси ўз навбатида яна бир хусусият-юқори буғланиш қобилиятини юзага келтиради 1700-2300 мм, яъни атмосфера ёғин миқдоридан бир неча маротаба қўп, ҳавонинг нисбий намлиги паст-16-20% ва кичик намланиш коэффициентига – 0,06-0,08 эга.

Ёғин миқдори кам бўлган шароитида қуруқ субтропик иқлимининг хукм суриши, ёғинларнинг ҳам асосий қисмини йилнинг салқин қиши баҳор фаслларига тўғри келиши тупроқдаги намнинг иссиқ кучли бўлган даврда камайишига ва натижада лалмикор дехқончилик шароитида қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини камайишига сабаб, бўлиши мумкин.

Кашқадарёning ҳавзаси текислик қисмида тупроқ қурғоқчилиги-йил сайин кутиладиган ҳодиса. Агарда тупроқ табиий қурғоқчилиги эртароқ бошланса, бунда Қўриқ ерларни биринчи ҳайдалган кундан бошлаб, уларнинг табиий шароити ўзгаради, яъни уларнинг устки чим қатлами йўқолиб, у пастки қаламлар билан аралашади.

Табиий намлик ҳисобида ўз вегетациясини давом эттираётган қишлоқ хўжалик экинлари тупроқ намлиги етишмаганлиги сабабли ўз вегетацияларини тезда тутатади ва ҳосилдорлик жуда кам бўлади. Бордию, тупроқ қурғоқчилиги бироз кейинроқ муддатларда бошланса, бу даврда экинлар ўз вегетацияларни тугатиш арафасида бўлади, бунда албатта қурғоқчилик экинлар ҳосилдорлиги тақидирига таъсир этмайди, аксинча анча юқори ҳосил олиш мумкин. Албатта бу даврда инсоннинг дехқончилик фаолияти муҳим ўрин тутиб, инсонлар томонидан ўтказилган айрим агротехник тадбирлар (ерни чуқур ҳайдаш, бароналаш, тупроқни органик моддаларга бойитиш ва бошқалар) натижасида тупроқнинг табиий намлиги сақлаб қолиш имкониятига эга бўлади.

1- жадвал

**Атмосфера ёғинларининг ўртача тақсимланиши (кўп йиллик маълумотлар)мм.**

Метео станция	Абсолют баландликда, м.	Ойлар												Йиллик	Ланга	Фасллар бўйича ёғинлар, %			
		I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII			қиш	баҳор	Ёз	куз
Ғузор	523	39	33	56	47	26	6	2	0	1	13	29	33	285	17,7	36,8	45,3	2,8	15,1
Қамаши	587	47	38	65	52	29	6	2	0	1	14	33	40	327	21,1	38,3	44,6	2,4	14,7
Китоб	658	76	62	105	91	51	11	4	0	2	24	54	65	545	37,1	37,2	45,3	2,8	14,7
Кульсой	2100	34	24	40	59	93	20	9	5	4	27	24	20	359	74,8	21,7	53,5	9,5	15,3
Омонқўтон	1319	58	139	160	109	58	16	4	1	2	34	67	11	763	70,0	40,9	42,8	2,8	13,5

Тупроқда рўй берадиган қурғоқчилик билан бир вақтда бу ерда атмосфера қурғоқчилигини ҳам кузатиш мумкин. Айниқса бу иккала қурғоқчиликнинг бир вақтда келиши барча қишлоқ хўжалиги экинларига катта хавф туғдиради ва хосилдорлик пасайиб кетади.

Бу маълумотларнинг далолат беришича атмосфера қурғоқчилиги жойланиши дengiz сатҳидан 500-550 метр баландликлардаги худудларда май ойининг охирида, Китоб-Шаҳрисабз ботифида эса июн ойининг охирига тўғри келади. Қурғоқчиликнинг бошланиш даврига қараб унинг тамом бўлиш даври ҳам ўзгаради. Китоб метеостанция аълумотлари бўйича, Китоб-Шаҳрисабз ботифида киска муддатли атмосфера қурғоқчилиги бўлади. Бу албатта мазкур ботифликда худуднинг тоғ олди, ҳар томонлама чўл иқлимидан чегераланганлиги, кўп ёғин-сочин миқдори ва ниҳоят табиий ўсимликларга бойлиги ҳамда сугориш сувларининг кўплиги сабаб бўлади.

Қарши чўлининг ўзига хос иқлим шароитлари Л.Н.Бабушкин (1956 йил), А.З.Генусов, Б.В.Горбунов, Н.В.Кимберг (1960 йил), М.А.Орлов, И.И.Гранитов, А.Д.Пятаев (1962 йил), А.Расулов (1969 йил), Л.Турсунов (2008 йил) каби бир қатор тадқиқотчиларнинг ишларидан батафсил ёритиб берилади.

Қарши чўли худудининг иқлими Осиё минтақаси учун хос бўлган континентал субтропик иқлим шароитларининг барча хусусиятларига эга бўлиб, бунда ушбу минтақа учун чегаравий шимолий соҳага хос (Турон) вариантида эканлиги таъкидланади, яъни Ўрта Осиё республикалари учун хос бўлган иқлим шароитларига эга (Бабушкин, 1960 йил, 1964 йил). Бу континенталь субтропик иқлим шароитлари вариантининг ўзига хос хусусиятлари худуднинг ҳарбий томонидан очилиги ва шунинингдек жанубий, жанубий-шарқий томонидан кучли тоғ тўсиклари билан тўсилганлигидан келиб чиқади.

Ёз мавсумида ҳаво ҳарорати худудда ўртача  $30^{\circ}$  С ни ташкил қилиб, июл ойида Қашқадарё вилоятининг тоғ олди кенгликларида 30-35, жанубий чегара худудларида эса  $37^{\circ}$ С ни ташкил қиласди. Бу ҳолатдаги иқлим шароитлари, иссиқ

даврнинг нисбатан узоқ давом этиши ҳудудда ер майдонларида иссиқсевар экин турларини етиштириш имконини беради, жумладан пахта етиштириш учун қуйлай шароит мавжуд, бунда ғўза ривожланиши ўртacha 15-20 мартдан бошланиб, ноябрь ойининг иккинчи ярмигача давом этади, ҳудуднинг кўпгина туманларида вегетация даври 226-228 кун давом этади.

Вегетация даврида самарали ҳарорат йиғиндиси  $2820^{\circ}\text{C}$  ни ташкил қилади. Ҳудудда ёғингарчилик миқдорининг нисбатан камлиги ҳароратнинг нисбатан юқори эканлиги сув буғланиши даражаси юқори бўлишига олиб келади. Қашқадарё вилояти ер майдонларида иссиқсевар экинларни, жумладан ғўза, маккажўхори ва беда етиштириш учун қулай шароит яратиб беради. Ҳудудда ёғингарчилик сезиларли даражада қўп эмас, асосан ёғингарчилик йилнинг қиши бағор ойларига тўғри келади.

Шундай қилиб, Қашқадарё ҳавзаси катта ҳудудни эгаллаганлиги сабабли, унинг барча қисмларида кечаётган иқлимий ўзгаришлар ўша жой учун характерли бўлиб, унинг бошқа қисмларида қайтарилмаслиги мумкин. Агарда бу хилдаги қурғоқчилик давом этиш вақтларда тупроқ қатламларида намлик етарли бўлмаса, барча ўсимликлар ўз вегетациясини тўхтади.

## **2.5. Ўсимлик ва ҳайвонат олами**

Қашқадарё ҳавзасининг мураккаб геологик, геоморфологик, тупроқ ва иқлим шароитлариiga эга бўлганлиги натижасида хилма-хил ўсимлик қопламига эга бўлади.

Ўзбекистон ўсимлик дунёси Ўрта Осиё ўсимлик дунёси сингари ўзининг турлари ва хилма-хиллиги билан ажralиб туради. Ўзбекистон ўсимлик дунёсида (флорасида) шундай турлар учрайдики, бу ўсимлик турлари Ўрта Ер денгизи мамлакатлари учун хос (Коровин, Розанов 1938). Масалан, грек ёнғоғи, хандон писта, анор, анжир ва бошқалар, буларнинг ватани Греция, Жанубий Франция, Испания ва бошқалар. Бундай субтропик мамлакатларда ўсуви ўсимлик вакилларининг бўлиши яна бир марта Ўзбекистон ҳудудини (унингшимолий-

ғарбий ҳудуди истисно қилинади) субтропик минтақанинг энг шимолий қисмида жойлашганлигидан далолат беради.

Биз қуйида ўсимлик дунёсини тавсифлаш учун К.З.Зокиров томонидан (1955) таклиф қилинган биоиклиний минтақалар-чўл, адир, тоғ ва яйлов бўлиниши бўйича берамиз. Муаллифнинг бу таклифи сахро минтақасининг эсктра арид иқлимига тўғри келади. Бу иқлим шароити 3 та минтақавий бўлинишга эга (пастдан-юқорига қараб): тоғолди ва паст тоғликлар-арид (куруқ) иқлим ўрта баландликдаги тоғлар-субгумид иқлим ва баланд тоғлар-субнивал-гумид иқлимига тўғри келади.

R.P. Зокиров Қарши ва Косон туманларини ўрганиш натижасида биринчи пайдо бўлган ўсимликлар (*Paabulbosa* ва *Cousinia Spiridonwi*) деб хуроса қилди. Ҳозирги Қашқадарё ўзани атрофидаги атрофидаги майдонлар айтарли даражада қалин янтоқлар билан қопланган. (*Alhagi camelorum*).

И.И.Гранитов ва А.Д. Пятаева гурухлаши бўйича чўл баландликдаги иккинчи босқичи полин ўсимлиги билан эгалланган. Энг кўп тарқалган оқ полинга яқинроқ бўлган полин ўсимлиги ҳисобланади (*Artemisia nerboalda*); агар тупроқ қумли бўлса илоқ ўсимлиги ривожланади (*Carex physodes*).

К.З.Закиров таъкидлаганидек Нишон даштида асосан ўсимликларнинг иккита формацияси иштирок этиб, ўзаро алмашиниб туради ва баъзида тупроқ қопламида ўсимликлар комплексини 70 % ни ташкил қиласи. (*Artemisia uzbekistanica*) ва (*Convoevulus hammodae*).

Чўлнинг шимолий қисмида лалми ва суғориладиган ерларида ҳаддан ташқари кўп бўлган, бегон ўт ҳисобланган жинтак (*Lagongchim Soretum*) учрайди. Чўлнинг қумли тупроқлари ривожланган шароитида буталарнинг турли турлари (*Calligonum*), ёғочсимон (*Ammodendron*) ва оқ саксовул (*Haloxylon pericum*). Бундан ташқари кўпроқ (*Ferula assafoetida*) турлари учраб туради.

Қум сахро тупроқлари ўсимликлар қопламишининг энг кўп тарқалган вакили-қум илак учи, кунгирбош ва бошқа эфемер ўсимликлар қоплами, ярим буталар,

қум акацияси, қандим ва кейреук, биурғун каби шўра ўсимликлари учрайди. Денгиз сатхидан тахминан 350-400 м баландликдаги типик бўз тупроқлар тарқала бошлайди. Бу ерда намлик микдори ортади ва ўсимлик қопламида эфемер типдаги ўсимлик вакилларидан баъзи бирлари сақланиб қолсада, асосан бу ерда каррак, оққўрой, сигирқулоқ, лолақизғалдоқ, геран каби ўсимликлар учрайди.

Р.П.Коровин (1934) бу ўсимликлар мажмуасини буғдойик, ҳар хил бегона ўтлар гуруҳи деб аташни таклиф қиласи. Тоғ олди ва паст тоғли ўлка учун хос бўлган ва бу туркумдаги ўсимликлар кенг тарқалган худудларда ёғин-сочин кўп, тупроқ қатлами чириндига бой, юмшоқ иқлимий шароит мавжуд. Шунинг учун бўлса керак, бу ерда ўсимлик қоплами чўл минтақаси ўсимлик қопламига қараганда бир неча ўн мартаба биомасса қолдиради ва мустаҳкам чимли қатлам (3-7 см) вужудга келтиради.

Ўсимлик қопламини шакллантиришда унинг турларини хилма-хиллигига тоғ қиялари ва уларнинг нишаблиги катта аҳамиятга эга. Биринчи томондан қиялик қанчалик кичик нишабликга эга бўлса, иккинчи томондан – қуёш нури тик тушмаса, бу ерда майда заррачалар қатлами ҳам катта ва бой ўсимлик қоплами мавжуд бўлади. Шунинг учун бўлса керак, тоғли ўлкада унинг шимолий қияликлари сернам ва ўсимлик дунёси бой, жанубий қисми-тик, тоғ жинслари юзага чиқган майда заррачали қатлами жуда қисқа ва кам сонли ўсимлик турларини сақлайди. Ғарбий ва шарқий қияликлар эса ўртача ҳолатни эгаллайди. Қияликларнинг бу ҳолатига қараб тупоқ қоплами ҳар хил қалинликдаги чим қатламига (5-8 см) эга бўлди. Ўсимлик қопламининг бундай ўзгариши, албатта, тупроқлар морфологиясида, айниқса унинг ранги, кимёвий ва физик хоссаларига ўз таъсирини ўтказади.

Юқорида баён этилган ўсимлик қоплами тўғрисидаги маълумотлар, фақатгина табиий ҳолда ривожланаётган қўриқ ҳолдаги тупроқлар учун хос. Суғориладиган минтақада бу ўсимлик турлари йўқолади ва уни ўрнига маданий экинлар етиштирилади. Худди шундай ҳодиса Қашқадарё қуви оқими ҳудудларида ҳам содир бўлиб, бугунги кунда табиий ҳолда ривожланаётган

ўсимлик турлар деярли йўқолиб кетган. Маданий экинлар ҳам ўз навбатида ҳар хил бегона ўтлар билан ифлосланади. Масалан, семиз ўт, саломалайкум, ажриқ, гумай, бангидевона, сассиқ ўт, зарпечак, шамак ва бошқалар. Бу бегона ўтлар маълум маданий ўсимлик учун хос бўлмасдан, улар барча суғориладиган тупроқлар учун хос, яъни улар маълум географик қонуниятлар асосида тарқалмайди. Албатта, бу бегона ўтлар тупроқ ҳаёти учун маълум ўрин тутмасада, лекин уларнинг унумдорлигини пасайтиришда, айниқса маданий экинларни ҳосилдорлигини камайтиришда катта аҳамиятга эга.

Ҳайвонлар ва қушлардан майна, кўк қарға, каклик, яполоққуш, жайра,

юмронқозик, тулки, чиябўри, қобон ва бошқалар учрайди. (1-расим)

Қашқадарё водийси тоғёнбағирлари чорвачилик учун қулай яйлов, текислик қисми дехқончилик учун серунум. Водийда табиий газ, қурилиш материаллари, конлари, минерал сивлар ва бошқалар бор (Ўбекистон миллий энциклопедияси).



### **1-расим Тулки**

Ҳайвонлар орасида сон жиҳатдан псаммофил турлар устунликқилади. Булар қизилқулоқ, матрап-тўгаракбош, калтакесак, кўлвар илон ва қўшоёқларнинг баъзи турлари: жуноёқли, тароқбармоқли, Лихтенштейн ва Бобринский қўшоёқлари (2-расим).



Кўрсичқон ва юмранқозиклар ҳам кемирувчиларнинг қумда учрайдиган типик вакиллари (2-расим).

Қушларнинг 50 тури қумли чўлларда яшашга мослашган. Улар

саксовулзор ва бутазорларда уя қуради.

Мавсумга қараб, Шарқий Европа ва Шимолий Осиёни макон тутадиган

### **2-расим Кўлвар илон**

қушлар Қарши чўли қумликларига қўниб ўтади. Бундан ташқари, қишилиқ келган пайтлари бу ерда шимолий худудлардан келадиган 30 га яқин турдаги қушлар қишлиб қолади.

Қарши чўли экотизимларининг ҳайвонот ва наботот дунёси жуда бой. Бу ерда сут эмизувчилардан хинд асалхўри, дашт мушуги, жайрон; қушлардан чуррак, морхур, болтаютар, оқбош, майна, лочин, йўрға тувалок, оқ қоринли булдуруқ каби ноёб жонзотлар яшайди. (З-растим)



Судралиб юрувчиларнинг ўта камёб 5 тури шу чўлда яшайди. Бу чўлларда ноёб қушларнинг 15 тури учрайди. Шунингдек, миграция даврида сув тўпланадиган кичик ҳавзаларда сувда сузуви ва ботқоққушлари кўзга ташланади.

Кумли чўлларнинг ҳайвонот дунёси ҳам хилма-хил. Бу ерда умуртқалиларнинг 200 га

### **З-расим майна**

паррандалррдан, 150 таси кўчманчи (баҳорда шимолга, кузда жанубга учиб ўтадиган қушлар) ва муқум қушлар, 22 таси сут эмизувчилардан иборат.

Ҳайвонлар орасида сон жиҳатидан псаммофил турлар устунлик қиласиди. Булар қизилқулоқ, матрап - тўгаракбош, калтакесак ва кўшоёкларнинг баъзи турлари: жуноёкли, тароқ бармоқли, Лихтенштейн ва Бобринский кўшоёклари. Кўмсичқон ва юмонқозиклар ҳам кемурувчиларнинг қумда учрайдиган типик вакилларидир.

Қушларнинг 50 тури қумли чўлларда яшашга мослашган. Улар саксовулзор ва бутазорларда уя қуради. Мавсумга қараб, Шарқий Европа ва Шимолий Осиёни макон тутадиган қушлар Қарши чўли қумликларига қўниб ўтади. Бундан ташқари, қишилиқ келган пайтлари бу ерда шимолий худудлардан келадиган 30 га яқин турдаги қушлар қишлиб қолади.

Тоғ даштлари ҳайвонот дунёси ҳам ўзига хос. Бу ерда судралиб юрувчилар туркумига киравчи Туркустон агамаси, Осиё ялангкўзи, узуноёқ, сарик илон, тожик калтакесаги.(4-расим)



Ўрта Осиё капчабош илони яшайди. Кушлардан дехқончумчук, чўл миққийи, тентаккўш, олтин куркинак, кўккарга-, тўғайлар; сут эмизувчилардан чўл сассиқкўзани, кулранг олмахон, даласичқон, бурсик, жайрон ва бошқа ҳайвонлар учрайди.

#### **4-расим тожик калтакесаги.**

Намлик юқорилиги туфайли бақа қурбақа кўп учрайди, судралиб юрувчилардан ялангкўз, сариқ илон нисбатан қуруқ жойларда калтакесаклар учрайди. Чупор илон, сув илон, қора илон ҳам бор. Кушлардан тустовуқ кўп. Шунингдек қорақарға, зағизғон, кўк қўтон, майна чумчуқсимонлар учрайди. Калхат, тошқирғий ва бошқалар уя қуради. Йиртқич сут эмизувчилардан тўқай мушуги, чиябўри, тулки , бўрсиқ кемиравчилардан қумсичқон, каламуш. Касбий дала сичқони, туёқлилардан тўнғиз ва Бухоро буғиси яни хонгул яшайди.

Тоғ олди ярим чўлларининг ҳайвонот дунёси ҳам хилма-хил. Бу ерда судралиб юрувчилардан Ўрта осиё тошбақаси, Туркистон геккони, тақир юмалоқбош, сариқ илон, эчкиэмар, турли ранг чопқир калтакесаелар, рагн-баранг сув илонлари кўп учрайди.(5-расим)



Кушлардан тўғай, дехқончумчук бор. Сут эмизувсилардан сариқ юмранқозиқ, қизил думли катта қумсичқон, қўшоёқ ва бошқалартарқалган.

#### **5-расим тошибақа**

## **2.6. Инсон фаолияти**

Инсон фаолияти тупроқ ҳосил бўлишида халқ хўжалигига фойдаланиладиган ерларда (сугориладиган лалмикор ерлар ва яйловлар) бевосита катта таъсир кўрсатади. Алмашлаб экиш, дараҳт ўтқазиш, ерга ишлов бериш ва ўғитлаш, сугориш, ерни захини қочириш ва шўрини ювиш, текислаш ва шунга ўхшаш тадбирларнинг барчаси тупроқнинг ривожланишига ва унинг асосий хусусиятларига катта таъсир кўрсатади. Натижада бундай тупроқлар ҳаво ўтказиш қобилияти ва сув тартиботи бошқача бўлади, ўсимликлар қоплами ва тупроқ жониворларининг ҳаёти учун зарур яшаш шароити яратилади. Ерга ишлов бериш орқали, ўғитлаш билан биз унинг озиқа тартиботини ўзгаришига таъсир кўрсатамиз. Тупроқга бериладиган минерал ва органик ўғитлар тупроқдаги озиқа моддалар миқдорининг кўпайишига ва қисман тупроқнинг кимёвий таркибини ўзгаришига сабаб бўлади.

Зовурлар ўтқазиб тупроқ захини қочириш, шўрини ювиш натижасида эса тупроқда жуда катта ўзгаришлар содир бўлади. Унумсиз шўрхок, тупроқлар, ботқоқлар ва бошқа шу сингари қийин мелиорацияланувчи ерлардан фойдаланиш учун қийин бўлган худудлар, инсоннинг меҳнати туфайли ўз сифатини яхшилайди ва унумдор тупроқларга айланади.

Табиий шароитда ёғин-сочин сувларидан 100 мм дан 400 мм гача (чўл ва адир минтақалари) бўлиб улар тупроқда содир бўладиган жараёнларни тўлиқ бошқара олмайдилар, сув оладиган ерлар эса сунъий сугориш орқали эса тўрт-беш мартаба кўп намланадилар. Шу нуқтаи назардан сугориш, тупроқларнинг бутун табиатини ўзгартириб юборади: унинг генетик қатламларида мавжуд моддалар ҳаракати, янги яралмалар, лойланиш жараёни, биологик ҳаёт қескин ўзгаради. Минерал жинсларнинг ички нуралиш тезлиги ўзгаради ва ниҳоят сугориш сувлари билан олиб келган қаттиқ ётқизиклар таъсирида янги агротехнология катлам шаклланади.

Қашқадарё ҳавзаси ҳудудида инсоннинг юқорида баён этилган барча фаолияти намоён бўлади. Унинг текислик қисмида типик бўз тупроқлар тарқалган ҳудуд рельеф жиҳатдан ўр-қирли, ўнқир-чўнқир бўлганлиги сабабли сув эрозиясига қарши курашиш учун ўтказиладиган тадбирлар; тўқ тусли бўз тупроқлар, жигарранг тупроқлар тарқалган ҳудудларда сув эрозияси таъсирини камайтириш учун олиб бориладиган тадбирларнинг барчаси тупроқларнинг ривожланиши ва уларда кечётган жараёнларни бошқаришда муҳим ўрин тутади. Китоб-Шахрисабз ботифининг юқори қисми жигарранг тупроқлар, қисман тўқ тусли бўз тупроқлар тарқалган ҳудудларда инсон тупроқ қатламини саклашда чорва молларини боқищда алоҳида аҳамият бериш керак. Чунки чорва моллари тупроқ қоплами устида чимни бузиб, тупроқни унумдор юза қатламини сув ва шамол эрозиясини ривожланишига, жарлик эрозия турларини вужудга келишига сабаб бўлади. Ҳавзанинг текислик қисмида эрозия жараёнлари билан ундан ўлароқ антропоген омил таъсирида бир қанча ноқулай шароитлар вужудга келиши мумкин. Жумладан: ерларда агротехник тадбирларни суст эътиборсизлик билан ўтказиш, инсоннинг илмий асосланмаган технологияси натижасида тупроқлар зичлашиб унинг ҳаво ва сув ўтказувчанлик қобилиятини пасайиши, ирригацион эрозияга учраши ёки суғориш таъсирида ер ости сизот сувларининг сатхини кўтарилиши ва тупроқ қатламларини шўрланиши каби ҳолатлар содир бўлишига олиб келади. Шу жараённи биз тадқиқот олиб борган Қашқадарё қуи оқими тупроқларида ҳам яққол қузатишмиз мумкин.

Хуллас, инсон фаолияти тупроқларнинг у ёки бу хусусиятларини ўзгаришида муҳим ўрин туташи олимларимизнинг кўп йиллик илмий изланишларида ўз ифодасини топган.

Шундан келиб чиқиб, тадқиқот олиб борилган ҳудуд тупроқларни антропоген омиллар таъсирини тўлиқ тавсифлашда тупроқ-геокимёвий ва қиёсий услубдан ҳам фойдаландиб, олинган рақамли маълумотлар тупроқ-иқлим шароити ўхшаш жойларда олиб борилган тадқиқот натижалари билан ҳам солиширилди ва тегишли натижаларга эришилди.

### **III БОБ. ИЗЛАНИШ ОБЪЕКТИ, ҚҰЛАНИЛГАН УСЛУБЛАР ВА ТУПРОҚ МОРФОЛОГИЯСИ ТАХЛИЛИ.**

#### **3.1. Изланиш объекти ва құлланилган услублар**

Касби тумани “А. Навоий” массиви ҳудудидаги турли геоморфологик, литологик, гидрогеологик ва иқлим шароитларининг ўзаро таъсири натижасида тупроқ пайдо бўлиш жараёнларининг турли босқичларининг кечганлигини кўрамиз. “А. Навоий” массив ҳудудида табиий географик шароитлар ва антропоген омиллар таъсири натижасида асосан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал, тақирилди ўтлоқи ва бошқа тупроқлар тарқалган.

Эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар Касби туманининг “А. Навоий” номли массивида тарқалган бўлиб унинг умумий майдони 3559,5 гектарни ташкил қиласи. Хўжалик ҳудудида эскидан, янгидан суғориладиган ва янгидан ўзлаштириладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар учрайди.

Иzlaniш объекти суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларнинг барча хосса ва хусусиятларини ва мелиоратив ҳолатини ўрганиш 2012-2013 йилларда Қашқадарё вилоятининг Касби туманида (А.Навоий массив фермер хўжалик экин майдонларида) амалга оширилди. Бунинг учун турли фермер хўжалик экин майдонларига геокимёвий тупроқ кесмалари туширилиб тадқиқот ишлари олиб борилди.

Мазкур тупроқларни эволюцияси ва антропоген омиллар таъсирини солишириш мақсадида 3-5-10-30-50-100 йиллар мобайнида дехқончиликда ишлатилиб келаётган ҳар-хил механик таркибли турли даражада шўрланган ва агрокимёвий хоссалари бўйича бир-биридан фарқ қиласидиган тупроқлар ишнинг предмети бўлиб хизмат қиласи.

Худунинг асосий суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлари танлаб олинниб уларда геокимёвий кесамалар туширилиб, “калит майдонлари” (физик нуқта) ажратилди улар асосан Касби тумани фермер хўжаликлари майдонларида

амалга оширилди хамда қуйидаги дала ва лаборатория ишларида тупроқларни хосса хамда хусусиятлари ўрганилди.

### **Дала шароитида**

1. Жойларнинг геоморфологик, гидрогеологик ва рельефи ҳамда тупроқ типлари инобатга олиниб кесмалар туширилди, улар морфологик жиҳатдан тавсифланди ва лаборатория шароитида таҳлил қилиш учун хар бир ажратилган генетик қатламлардан намуналар олинди.
2. Тупроқнинг табиий намлиги аниқланди, сизот сув чуқурлиги аниқланиб намуналар олинди
3. Тупроқларни генетик қатламлари бўйича ҳажм массаси цилиндр усулида аниқланди.

### **Лаборатория шароитида**

Тупроқларнинг хоссаларини аниқлаш мақсадида қуйидаги лаборатория ишлари амалга оширилди:

1. Сувда осон эрувчи тузлар миқдори умумий қабул қилинган сувли-сўрим тайёрлаш усулда аниқланди.
  - 1).  $\text{HCO}_3^-$ - 0,01 N  $\text{H}_2\text{SO}_4$  билан титрлаш усулида
  - 2).  $\text{Cl}^-$ -Кумуш нитрат билан титрлаш усулида
  - 3).  $\text{SO}_4^{2-}$  қўйдириш ва тортиш усулида
  - 4).  $\text{Ca}^{2+}$ -Трилон –Б билан титрлаш усулида
  - 5).  $\text{Mg}^{2+}$ - Трилон –Б билан титрлаш усулида
  - 6). K + Na - алангали фотометрда
2.  $\text{CO}_3^{2-}$  ацидиметрик (Кудрин) услуби билан;
3. НРК-1 тупроқ намунасида Мешеряков услуби билан
4. Гумус миқдори Тюрин усулида

5. Тупроқни механик микроагрегат таркиби Н.А.Качинский усулида;
6. Солиширма оғирлик пикнометр усулида аниқлаш

Дала ва лаборатория шароитда олиб борилган изланишлар тупроқшунослик илмий текшириш соҳасида кенг қўлланиладиган ва синовлардан ўтказилган классик услублар асосида олиб борилди.

Мазкур диссертацияда келтирилган маълумотлар магистрлик йиллари давомида тўпланган, дала ва лаборатория тадқиқотлари натижасида олинган, ҳамда бу маълумотлар расм, жадвал ва компьютерда программалар асосида чизилган графиклар кўринишда келтирилган.

### **3.2. Касби тумани “А. Навоий” массиви сұғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлари морфологияси**

Тупроқ пайдо қилинадиган жарёнларнинг ривожланиши ва давом этиши натижасида она жинслардан янги табиий жисм тупроқ вужудга келади. Тупроқда ўзига хос бир қанча муҳим хосса ва белгилар юзага келиб, унда она жинс таркибида бўлмаган модда ва бирикмалар пайдо бўлади. Натижада тупроқ она жинсидан унумдорлиги билангина эмас, балки тузилиши морфологияси билан хам кескин фарқ қиласи.



*6-расим разрез*

Худуд атрофида тарқалган тупроқлар хилма-хиллигини сақловчи айrim омилларни тавсифлашда даставвал қиёсий географик ҳамда тупроқлар морфологиясини таҳлил қилувчи услублар қўлланилди. Тупроқларнинг хоссаларини лаборатория шароитида таҳлил қилишда Ўзбекистон пахтачилик илмий тадқиқот давлат институти (ЎзПИТИ, 1963) улубиёти, В.У.Сайфутдинова “Тупроқ кимёси” (1991), Е.В.Аринушкина “Руководство по химическому анализа

почв (1970) ҳамда Л.Турсуновнинг “Тупроқ физикаси” (1988) дарслигига баён қилинган услублардан фойдаланилди. Олинган айрим маълумотлар Б.А.Доспехов (1985) услуби бўйича математик таҳлил қилинди.

Мирзаева Норгул фермер хўжалиги майдони 32,3 гектарга эга. Тупроқ ҳосил қилувчи она жинси аллювиал ётқизиқлардан ташкил топган, рельефи текис, жанубий томондан олинди, буғдой экилган майдондан кесма 204 контрол 149. олинди. Эскидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларга тавсиф бериш учун аввало унинг морфологик белгиларига эътиборни қаратиш лозим. Чунки тупроқ пайдо қилувчи жараёнларнинг ривожланиши натижасида хар бир тупроқ типи ва типчасида ўзига хос бир қанча морфологик белгилар вужудга келади. Тупроқнинг шу белгиллари орқали тупроққа тўла тавсиф бериш мумкин.. Тупроқнинг муҳим морфологик белгиларига тупроқнинг генетик горизонти, қалинлиги, тузи, структураси, қовушмаси, янги яралмаси, қўшилмаси, механик таркиби ва намлиги киради. Биз қуйида эскидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларнинг морфологик тузилишини кўриб чиқамиз.

A<sub>x</sub> 0-27 см              Оч сарғиши, намлиги ўртача, ўрта қумоқли, кесаксимон-донадор-чангсимон, жойланиш юмшоқ янги яралмалар учрамайди, ўсимлик илдизлари зич жойлашган ер ости хашорат қолдиқлари ва излари ҳам учрайди. Қўшилмалар кузатилмайди. Кейинги қатламга сезиларли ранги, зичлиги билан ўтади.

A<sub>x</sub> 27-46 см              Тўқ кулранг ўртача намлика эга, ўрта қумоқли, майда кесакчасимон-донадор, кам зичлашган, янги яралмалар учрамайди, ўсимлик илдизлари кам учрайди. Ер ости хашорат қолдиқлари ва ўсимлик излари оз миқдорда учрайди, қўшилмалар учрамайди. Кейинги қатламга озиқ ранги ва механик таркиби билан ўтади.

B 46-80 см              Оч кулранг, ўрта намлика эга, оғир қумоқ, донадор-чангсимон, зичлашган, янги яралмалар пастки 87 см ларда

зангдор доғлар учрайди. Ўсимлик илдизларининг йирик шакиллари учрайди, ер ости хашоротлар инлари учрайди, қўшилмалар учрамайди, кейнги қатламга ранги билан ўтади.

С 80-120 см Кулранг, намлиги ўртача, оғир қумоқли, донадор-кесакчали, зич, зангдор доғлар учрайди, айрим жойларда ўсимлик майда ва йирик томирлари учрайди. Қўшилмалар йўқ.

Сидикова Матлуба фермер хўжалиги майдони 99,9 релефи текис, гооморфологияси ёйилма (дельта), аллювиал ётқизиқлар устида хосил бўлган, жанубий экиспозиция, буғдой экин экилган майдондан олиган, кесма 420, контур 915.

Ах 0-27 см Оч сарғиш, намлиги ўртача, ўрта қумоқли, кесауксимон, дондор, чангсимон юмолоқ, янги яралмалар учрамайди, ўсимлик илдизлари сийрак, хашорат қолдиқлари ва илдизлар учрайди. Қўшилмалар йўқ, кейинги қатламга аниқ ранги билан ўтади.

Ахо 27-48 см Тўқ кулранг, ўртача намликка эга, ўрта қумоқли кесауксимон донадор юмолоқ, янги яралмалар учрамайди, ўсимлик илдизлари кам микдорда учрайди, хашорат қолдиқлари ва излари учрайди қўшилмалар учрамайди, кейнги қатламга секин механик таркиби билан ўтади.

В 48-76 см Тўқ кулранг намлиги ўртача енгил қумоқли, донадор, донасимон, кам зичлашган, зангори доғлар учрайди. Ўсмилик илдизлари учрайди, хашорат излари кўп учрайди, қўшилмалар йўқ кейинги қатламга механик таркиб билан ўтади.

ВС 76-120 см Тўқ кулранг, ўртача намликка эга, енгил қумоқли донадор, донасимон, юмшоқ, зангори доғлар учрайли. Айрим жойларда ўсмилик илдизлари учрайди.

Янгидан сугориладиган ўтлоқи алливиал тупроқларнинг морфологик белгиларини кўриб чиқаъмиз. Боходир Жўрайев фермир хўжалиги майдони 20 гектар, дарё делтаси аллювиал ётқизик, текис шимолий экиспозитция буғдой кесма 73.

A<sub>x</sub> 0-29 см.                   Оч қулранг, ўртача намлик, ўрта қумоқли, кесаксимон, донодор, чангсимон, юмшоқ, янги яралмалар кузатилмади, буғдой илдизлари зич, ер ости ҳашорат излари кам миқдорда учрайди, қўшилмалар кузатилмайди, кейинги қатламга ранги билан аниқ ўтади.

A<sub>x0</sub> 29-52 см.                   Тўқ қулранг, намлиги ўртача, ўрта қумоқли, кесаксимон-донодор-чангсимон, кам зичлашган, янги яралмалар кўзга ташланмайди, ўсимликларнинг йирик ва майда илдизлари уячради, ёр ости ҳашоратлар излфари ва инлари учрапайди, қатламга механик таркиби билан аниқ ўтади.

B 52-87 см.                   Бўз қулранг, намлиги ўртача, кумоқли, донодор-кулранг, кам зичлашган, зангори доғлар, айрим жойларда илдизлари, ҳашорат излари ва инлари бор, кейинги қатламга ранг билан ўтади.

BC 87-127 см.                   Кулранг, ўртача намликка эга, кумоқли, донодор-донсимон-чангсинон, юмшоқ, занг доғлар, юқорироқ қисмида ҳашоратлар излари учрайди.

### **Янгидан сугориладиган ўтлоқи алливиал тупроқларнинг морфологик белгилари.**

Бобол ота фермир хўжалиги майдони 73,6 га, релефи текис, геоморфологияси дарё ёйилмаси, аллювиал ётқизик, шимолий экспозиция, буғдой, кесма 87, контур 1079.

Aх 0-30 см	Кулранг, ўрта намли, ўрта қумоқ, ёнғоқсимон, донадор-чангсимон, зичлашган, янги яралмалар қўзга ташланмайди, ўсимлик илдизлари сийрак ҳолда учрайди, хашарот излари учрамайди, қўшилмалар қўзга ташланмайди, кейинги қатламга механик таркиби ва ранги билан ўтади.
Aх <sub>0</sub> 30-56 см	Тўқ қулранг, юқори гнамликка эга, оғир қумоқли, екесаксимон-ёнғоқсимон тузилишга эга, ўрта зичлашган, тузларнинг майда кристаллари шаклида учрайди, ўсимлик илдизлари учрайди, ер ости хашоротлар инлари ва излари мавжуд, кейинги қатламга ранги билан ўтган.
В 56-75 см	Кулранг, ўта нам, оғир механик таркибли, кесаксимон-донадор, ўрта зичлашган, ўсимлик илдизлари учрайди, сув чиқди.

### **3.3 Янгидан ўзлаштирилган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар.**

Янгидан ўзлаштирилган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар асосан қадимги аллювиал текисликларнинг чекка қисмларида учраб енгил механик таркиби билан ажралиб туради. Улар кўпроқ қумлоқ ва енгил қумоқли лекин тупроқ профилида қалин бўлмаган оғир қумоқлар қатламлар шаклида учрайди. Янгидан ўзлаштирилган ўтлоқи тупроқлар турли даражада гипслашган ва кучсиз, ўртача, қисман кучли даражада шўрланган.



### 7-расим

*разрез*

Мисол тариқасида янгидан ўзлаштирилган ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг морфологик тузилишини кўриб чиқамиз.

А.Навоий фермер хўжалиги майдони 84,9 га, релефи текис, геоморфологияси дельта, аллювиал ётқизик, шимолий экспозиция, буғдой, кесма 246, контур 68,

Aх 0-30 см Кулранг, кам нам, қумоқли, ёнғоқсимон-донадар, кам зичлашган, янги яралмалар күзга ташланмайды, ўсимлик илдизлари кам, қўшилмалар йўқ, кейинги қатlamга ранги билан ўтади.

Aх<sub>0</sub> 30-58 см Оч кўкиш кулранг, намлиги юқори, қумоқли, донадор-чангсимон, зичлашган, янги яралмалар күзга ташланмайды, ўсимлик илдизлари кам учрайди, хашорот инлари учрайди, кейинги қатlamга ранги ва механик таркиби билан ўтади.

В 58-87 см Кулранг намлиги юқори, қумли, кесаксимон-донадор-чангсимон, кам зичлашган, карбонат тузларининг майда кристаллари учрайди, сув чиқди.



*8-расим разрез*

## **IV БОБ. ОЛИНГАН МАЪЛУМОТЛАР ТАХЛИЛИ**

### **4.1.Тупроқ сифатини белгилашдаги умумий тартиблар**

Тупроқ сифатини боҳолаш бонитировка дейилади яъни бу Bonitas – юқори сифатли маънони англатади. Тупроқларни ишлаб чиқаришдаги қобилияти асосида сифат жиҳатдан таққослаш тушунилади. Маълумки, бир хил типдаги тупроқ ўзининг табиий таркибига кўра сифати турлича бўлади. Шунинг учун тупроқни баҳолаш вақтида бир бирига таққослаш йўли билан унинг сифати аниқланади. Докучаев тупроқларни баҳолашда, уларни синфларга, гурухларга, типларга, типчаларга, айирмаларга бўлишда тупроқдан, яъни унинг табиий хусусиятларидан фойдаланиш лозимлигини исботлади. Тупроқ бонитировкасининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- а) ширкат, фермер давлат ва деҳқон хўжалиги тупроқларининг унумдорлигини ва ишлаб чиқариш хусусияти бўйича таққослаш ва гурухлаш;
- б) турли қишлоқ хўжалик экинлари учун кўпроқ, қулайрок, тупроқ ва ерларни аниқлаш (пахта, картошка, ғалла ва бошқа сабзавот экинлари учун) махсус тупроқ баҳолашини ўтказиш;
- в) тупроқ унумдорлигини ошириш ва сақлаш бўйича қишлоқ хўжалик мутахассисларини фермерларни, ишчиларни, деҳқонларни моддий рағбатлантириш йўлларини топиб кўтариш тупроқларни бонитировка қилишда уларнинг агрономик ишлаб чиқариш хоссаларига алоҳида аҳамият бериш зарур, чунки тупроқлар бонитировкаси бу солиштиришда миқдор жиҳатдан кўрсаткичларга эга бўлган тупроқларнинг аниқланган агрономик ишлаб чиқариш тавсифидир. Тупроқ унумдорлигини баҳолашни тамоиллари мавжуд.

**Биринчи** - тупроқни табиий хоссаларини, морфологик, генетик, кимёвий, физиковий ва бошқаларни далада, лабораторияда ўрганиш.

**Иккинчи** - қишлоқ хұжалик ва статистик маълумотларни түплаш, танлаш, қайта ишлаш .

«Биринчи ва иккинчи босқич күрсаткічлари орасыда узвий боғланишлар бўлиб, биринчи босқичдаги күрсаткічлар иккинчи босқич ишлари учун мезон бўлади», - деб ёзган эди Докучаев. Ҳар бир тупроқ типи учун тўла кимёвий, механик таҳлил, нам сигими, сув ўтказувчанлик, капиллярлик, буғланиш, иссиқлик ўтказувчанлик ва хоказолар аникланади. Менделеев маълумотларига таяниб, яъни озиқа элементлари микдори ва бошқа кимёвий хоссаларини эътиборга олган ҳолда Докучаев кимёвий диаграммалар тузиб тупроқ сифатига баҳолар берди.

### **Ерларни баҳолашни морфологик усули**

Рисположенский тупроқларни баҳолашда уларнинг табиий хоссалари ҳисобланган механик таркиби, кимёвий таркибини аҳамиятини йўқقا чиқарди, яъни тупроқ баҳоси билан уларни хоссалари ўртасида боғланиш йўқ деди ва шу тарзда баҳолаш ишларини ўтказди. Бу усул кўриниш ва бажарилии жиҳатидан содда ҳамда арzon, шу боис қишлоқ хұжалиги хо димларида қизиқиш уйғота олди. Лекин бу усулда баҳолаш нотўғри натижаларга олиб келиши аниқланган эди ва шундай ҳам бўлди.

Г. Ф. Нефедов эса тупроқни бир бутун тушунмади, унинг кимёвий, физикавий хоссалари ўртасидаги боғланишларни кўрмади, шунинг учун тупроқни баҳолашда у баҳоланадиган ерларни битта, яъни гумусни тарқалишини ёки бошқа бир хусусиятини хариталанишини афзал кўрди. Рисположенский ва Нефедов усуллари асосида ишланган хариталари мутахассислар томонидан кескин салбий такризлар олди.

Ерларни баҳолашни бир неча усуллари мавжуд улардан:

1. Докучаев-Сибирцевларни табиий-тарихий усули.
2. Сўров-статистика усули.
3. Рисположенский усули, яъни морфологик усул.

В.В. Докучаев усули энг түғри ва объектив эканлиги вақт ўтиши билан исботланди.

### **Дала текширув ишлари**

Дала ишлари мавжуд тупроқ, геоботаник, аэрокосмик расмлар ва бошқа ҳужжатлар асосида ўтказилади. Дала шароитида бу ҳужжатларнинг ер баҳолаш ишларини бажариш учун яроқли ёки яроқсизлиги аниқланади, шунингдек, ернинг ҳақиқий ҳолати ва ундан фойдаланиш бўйича қўйидаги қўшимча маълумотлар йигилади:

Ер тўғрисидаги ҳисоб-китоб маълумотлари, мелиоратив ҳолатини аниқлаш, тупроқ хариталарида ажратилган контурларнинг ҳақиқатга тўғри келиш, ишлаб чиқариш ҳужжатларини текшириб аниқлаш, ердан фойдаланишнинг асосий технология шароитларини текшириб қўриш ва аниқлаш. Асосий қишлоқ хўжалик экинларининг жойлашишини аниқлаш ва алмашлаб экиш ҳақиқатдан ўзлаштирилганлигини аниқлаш, мевали дараҳтлар экилган ерлардан фойдаланиш бўйича қўшимча маълумотлар йигиш

Суғориладиган тупроқларни сифат жиҳатдан баҳолашда тупроқнинг ишлаб чиқариш қобилиятини аниқловчи асосий хусусиятлари, генетик хусусиятлари, суғорилиш муддати, маданийлашганлик даражаси, механик таркиби, тупроқ ҳосил қилувчи она жинсининг (генезиси) келиб чиқиши, тупроқ грунт қатламиининг қалинлиги зах сувларни қочириш қобилияти, жипсланиш, тошлилиги, ер ости суви чуқурлиги, ўғитлаш, чиринди қатлами қалинлиги, тупроқ зичлиги, шўрланиш жараёнларининг ифодаланиши ва эрозия жараёнларининг учраши ҳисобга олинади. Тупроқни баҳолаш 100 балли шкала асосида тузилади. Баҳолаш кулайроқ бўлиши учун 100 балли шкалани 10 та синфга бўлиб ўрганилади.

Тупроқларни баҳолашда, тупроқнинг ишлаб чиқариш қобилияти учун катта аҳамиятга эга бўлган хусусиятлари, гумусга, озуқа элементларига бойлиги, биологик фаоллиги, сингдириш сифими қобилияти, сингдирилган асослар таркиби, физик хоссалари ва бошқалар ўз ифодасини топади.

Ўзбекистонда тарқалган сугориладиган тупроқлар дехқончилик маданиятининг қай даражада ифодаланганлигига қараб юқори маданийлашган, ўртача маданийлашган ва кам маданийлашган гурухларга бўлинади.

- Кам маданийлашган тупроқлар. Асосан қишлоқ хўжалик айланмасида узоқ муддатда қўлланилмаган, яъни янгидан сугориладиган ва янгидан ўзлаштирилган ерлар унумдорлиги паст бўлган эскидан сугориладиган тупроқлар ҳам киради. Бу тупроқлар озуқа элементлари билан кам таъминланган бўлиб, чиринди моддаси камлиги ва биологик жараёнларнинг сустлиги билан характерланади.
- Ўртача маданийлашган тупроқлар кенг тарқалган бўлиб, асосан эскидан ва янгидан сугориладиган тупроқлардан иборат тарқалган жойларда дехқончилик маданияти ўртача бўлган.
- Юқори маданийлашган тупроқлар қўлланилган юқори агротехниканинг минерал ҳамда органик ўғитларнинг муттасил қўлланилиши натижасида ўзгарган тупроқлар. Бундай тупроқлар фосфор, азот, калий, яринди билан юқори даражада таъминланганлиги микроорганизмларга бойлиги, оптимал физик хусусиятлари бўлганлиги ҳайдалма қатламнинг ғавоқлиги ва яхши даражада сув ўтказувчаникка эга бўлганлиги билан характерланади.
- 

### **Эрозияга учраш даражасига қараб тупроқ сифатини аниқлаш**

Тупроқларнинг унумдорлигини пасайтирувчи ва сифатини ёмонлаштирувчи омилларга юқорида кўрсатилганлардан ташқари ирригацион эрозия ҳам катта таъсир кўрсатади. Ирригацион эрозияга асосан янгидан ўзлаштирилган янгидан сугориладиган ва қисман эскидан сугориладиган, рельефи нотекис, баланд-пастликлардан иборат бўлган туманлардаги қияликлар, тоғ олди ва тоғ этаги туманларда тупроқ ҳосил қилувчи лесс ва лессимон, пролювиал ва аллювиал ҳамда камроқ учламчи давр жинсларининг эллювий ётқизиқлари киради.

Тупроқларни баҳолашда тупроқ хоссалари ва ундан олина-диган ҳосил миқдорлари ҳам математик нүқтаи назардан қайта ишлашга муҳтож, яъни у рақамларни қай даражада тўғри эканлиги математик статистика орқали ўз ифодасини топади. Математик қайта ишлаш усуллари кўп бўлиб, уларнинг ичида синалган ва тупроқшуносликда, тупроқни баҳолашда, агрокимёда қўлланилаётган усул бу корреляцион боғланишлар ва регрессия ҳисобланади.

Тупроқлар сугорилганлик даврига қараб 3 та гурӯхга бўлинади:

Эскидан сугориладиган тупроқлар. 50 йилдан ортиқ сугориш тарихига эга.

Янгидан сугориладиган тупроқлар. Бу тупроқлар профили сугориш жараёнида кам ўзгарган бўлиб, асосан тупроқнинг 30 см қатламида ўзгарган бўлади. Бу тупроқнинг характерли хусусияти ҳайдалма қатламининг бир хиллигидир. Бу тупроқлар 10 йилдан 50 йилгача бўлган сугориш тарихига эга.

Янгидан ўзлаштирилган тупроқлар. Бу тупроқларнинг устки қатлами ҳайдов натижасида ўзгарган. Остки қатламлари эса кўриқ тупроқларники каби табиий қатламлари сақланиб қолган. Тупроқ профилида унча ўзгариш бўлмайди. Бу тупроқлар 10 йиллик сугориш тарихига эга бўлади. Ўзбекистонда тарқалган сугориладиган тупроқлар дехқончилик маданиятининг қай даражада ифодалангандигига қараб юқори маданийлашган, ўртacha маданийлашган ва кам маданийлашган гурӯхларга бўлинади.

Кам маданийлашган тупроқлар. Асосан қишлоқ хўжалик айланмасида узоқ муддатда қўлланилмаган, яъни янгидан сугориладиган ва янгидан ўзлаштирилган ерлар унумдорлиги паст бўлган эскидан сугориладиган тупроқлар ҳам киради. Бу тупроқлар озуқа элементлари билан кам таъминланган бўлиб, чиринди моддаси камлиги ва биологик жараёнларнинг сустлиги билан характерланади.

Ўртача маданийлашган. Тупроқлар кенг тарқалган бўлиб, асосан эскидан ва янгидан суғориладиган тупроқлардан иборат тарқалган жойларда дехқончилик маданияти ўртача бўлган.

Юқори маданийлашган. Тупроқлар кўлланилган юқори агротехниканинг минерал ҳамда органик ўғитларнинг муттасил қўлланилиши натижасида ўзгарган тупроқлар. Бундай тупроқлар фосфор, азот, калий, яринди билан юқори даражада таъминланган.

#### **4.2 Эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг хосса ва хусусиятлари**

Ўтлоқи-аллювиал тупроқлар эволюцияси, генетик қатламларнинг шаклланиши бевосита механик таркибининг шаклланиши билан боғлик ҳолда боради. Ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг механик таркибини айrim тадқиқотчиларнинг маълумотларини (Фелициант, 1962; Турсунов, 1981; Турсунов, Абдуллаев, 1987 ва бошқалар) чуқур таҳлил қилиш ҳамда бўз тупроқлар минтақасидаги аллювиал тупроқлар тўғрисида олинган янги маълумотларни Л.Турсунов, И. Анарбоев, Ш Мингбоев 2010 йил таҳлил қилиш натижасида бу тупроқлар учун 6 та гуруҳдаги механик таркибни ажратишган.

Ўрганилган ўтлоқи аллювиал тупроқларнинг механик ва микроагрегат таркиби тўғрисидаги маълумотлар -жадвалда ўз ифодасини топади. Келтирилган маълумотларнинг кўрсатишича, ўтлоқи-аллювиал тупроқлар механик таркибида механик заррачаларнинг профил бўйича тарқалишида бир хил қонуният ҳукм сурмайди. Бунинг асосий сабаби, бизнинг фикримизча, аллювий ётқизиқларининг генезиси билан боғлик бўлса, иккинчидан, дарёда суғориш учун олинган сувларнинг лойқаланиш даражасига боғлик бўлади. Шунинг учун бўлса керак, қум заррачалари (1-0,05 мм) профилда 10-20 %, чанг заррачалари (0,005-0,001 мм) 20-70, ил (<0,001 мм) 5-22 % ўртасида тебраниб туради. Ўтлоқланиш жараёнларида тупроқ профилининг ўрта қисмида тез-тез ва узоқ муддатда қайтарилиб турувчи намланиш-қуриш ҳамда оксидланиш-қайтарилиш

жараёнлари туфайли дағал менирал қисмларни (жумладан, йирик ва ўрта құмларни) нуралиши (парчаланиши) туфайли ил заррачалари миқдори купайиши кузатилади. Бинобарин ил заррачаларининг вертикал профилнинг ўрта қисмида купайиши – бу ўтлоқи аллювиал тупроқлар учун хос бўлган хусусий морфологик-генетик белгидир.

Эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар механик таркибига кўра оғир қумоқлидир. Эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар одатда зичлашган бўлиб, кесманинг ўртача қисмида лойланиш жараёни яхши ифодаланган. Бу тупроқларда карбонатлар 7,1-8,5 % ни ташкил қилиб бундан пастки қатламларда (130 см) карбонатли-гипсли қатламлар шаклида

**Эскидан сұғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар механик таркиби**

Кесма №	Чуқурліг и см	Заррачалар. Мм								Номланиш и Мех.тар.бүйича
		>0,25	0,25-0,1	0,1-0,05	0,05-0,01	0,01-0,005	0,005-0,001	>0,001	Физик лой	
204	0-27	0,4	0,1	2,9	41,5	20,4	19,3	15,4	55,1	Оғир қумоқ
	27-46	0,4	0,1	3,8	47,4	13,2	18,4	16,7	48,3	Оғир қумоқ
	46-80	0,4	0,1	2,6	49,5	15,6	14,0	17,8	47,4	Оғир қумоқ
	80-128	0,4	0,1	3,0	48,1	10,8	19,8	17,8	48,4	Оғир қумоқ
420	0-27	1,2	0,3	18,5	33,0	7,1	19,5	19,4	47,0	Оғир қумоқ
	27-48	0,4	0,1	8,8	43,1	6,0	19,6	22,0	47,6	Оғир қумоқ
	48-76	0,4	0,1	4,0	42,1	10,2	20,7	22,6	53,5	Оғир қумоқ
	76-120	0,4	0,1	2,4	40,3	10,8	24,0	22,0	56,8	Оғир қумоқ

Ўтлоқи аллювиал тупроқларнинг асосий катта қисми суформа дәхқончиликка жалб қилинганды. Шу сабали, бу тупроқларда гумус унчалик күп эмас, бироқ суфориладиган бўз тупроқларга нисбатан бу тупроқлар ҳайдалма қатламида кўпроқ гумус сақланади. Олинган маълумотларининг қўрсатишича, эскидан суфориладиган ўтлоқи тупроқларда гумус миқдори ўртача 0,87 дан 0,99 % ни ташкил қиласди. Ҳаракатчан фоффор билан бу тупроқлар жуда кам тамилланган бўлиб унинг миқдори аксарият ҳудудларда ўртача 5-11 мг\кг атрофида. Ҳаракатчан калий билан кам ва юқори тамилланган бўлиб унинг миқдори 118 мг\кг – 438 мг\кг га етади. Бу тупроқлар карбонатларга бой бўлиб юқоридан пастга томон ортиб бориши кузатилади. Бу тупроқ ҳосил қилувчи она жинсларнинг карбонатларга бойлигидан далолат беради.

3-жадвал.

#### **Эскидан суфориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг агрокимёвий ва кимёвий таркиби.**

Кесма №	Чуқурлиги см	Гумус %	Ҳаракатчан мг\кг		CO <sub>2</sub> карбонатлар %	SO <sub>4</sub> гипс %
			P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O		
420	0-27	0,87	11,42	432	7,6	0,160
	27-48	0,75	11,42	376	7,5	0,187
	48-76	0,67	10,0	271	8,0	0,160
	76-120	0,65	7,33	218	8,5	0,026
204	0-27	1,00	8,67	465	7,1	0,096
	27-46	0,99	8,00	118	7,4	0,133
	46-80	0,94	6,67	100	8,3	0,160
	80-128	0,60	5,33	95	8,5	0,475

## Эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг сувли сўрим таркиби, % ҳисобида.

Кес ма №	Чуқурл иги, см	Куруқ қолдик %	Умумий $\text{HCO}_3^-$	$\text{Cl}^-$	$\text{SO}_4^{2-}$	$\text{Ca}^{+2}$	$\text{Mg}^{+2}$	Анионла р Катионла р	На фарқи		Йиги ндис и %
									МГ\ЭК в	%	
204	0-27	0,220	0,037	0,017	0,099	0,020	0,006	3,15	1,66	0,038	0,199
			0,61	0,48	2,06	1,00	0,49	1,49			
	27-48	0,190	0,037	0,017	0,082	0,030	0,006	2,79	0,80	0,018	0,172
			0,61	0,48	1,70	1,50	0,49	1,99			
